



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1998 йил, 16 октябрь № 40 (312) • Сотувда нархи эркин

## ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги хайъатининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тўққиз ойлик иш якунлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Йиғилишда акционерлик компания ва жамиятлари, корхона, ташкилотлар, қўшма корхоналар раҳбарлари иштирок этишди. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев соҳада олиб борилган ислохотлар, компания ва корхоналарнинг иш якунлари таҳлили тўғрисида маъруза қилди.**

Ўтган тўққиз ой мобайнида 19,4 миллиард сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди ва маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аҳолига 3,9 миллиард сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди. Фойда 8,4 миллиард сўми ташкил этди. Даромаднинг 28 фоизи давлат тасарруфидаги корхоналар, 35,6 фоизи хиссадорлик жамиятлари ва 36,4 фоизи эса қўшма корхоналар ҳисобига тўғри келди. Почта корхоналарининг иш ҳажми ошди, халқаро ва шўхарлараро сузлашувлар сони ун фоизга ўсди. Алоқа хизмати кўрсатиш буйича 13 та янги лицензия берилди. «Алоқа саноат» ҲЖ ва «Алоқа

ДЭУ» қўшма корхонаси белгиланган ишларни бажаришга эришди. Халқаро электралоқани ривожлантириш буйича «Халқаро Телеком» акционерлик компанияси йирик чет эл коммуникация компаниялари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида телефон тармоқларини ривожлантириш буйича Япон ОЕСФ кредити асосида кенг куламли ишлар олиб борилмоқда. Транс-Осиё-Европа магистрал буйича Тошкент — Гулистон — Жиззах — Самарқанд йўналишида 400 та рақамли

каналлар ишга тушди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари натижасида «Маҳаллий Телеком», «Халқаро Телеком» акционерлик компаниялари ва «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси фаолият кўрсатаяпти. Почта ва телекоммуникация тизимидаги 70 та корхонанинг 36 таси хиссадорлик жамияти, 11 таси қўшма, 19 таси давлат ва биттаси пудрат корхонасидир. Барча хиссадорлик жамиятлари уз акцияларини чиқарди. Хиссадорлик жамиятлари кузатув кенгашлари фаол ишлаш бошлади. Ўтган тўққиз ой мобайнида 6,4 миллиард сўмлик қурилиш капитал кўйилмалар улаштирилди. 898 миллион сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди. Бухоро вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси ва «Тошкент таксафони», «Андижон Телеком», «Наманган Телеком», «Тошкент Телеком» хиссадорлик жамиятлари молиявий қийинчиликларни бошидан ўтказмоқда. Кейинги уч ой мобайнида дебитор қарзларни ундириш буйича олиб борилган ишлар узи-

нинг ижобий натижаларини берди. Меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш, маркетинг тадқиқотлар олиб бориш, лицензия ва сертификатлар бериш буйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хайъат йиғилишида агентлик Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев хизмат кўрсатиш сифатининг кўнгилдагидек эмаслиги, бу масалага жойларда раҳбарлар жиддий эътибор бермаётганлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Алоқа корхоналари ишида жиддий камчиликлар мавжуд. Ана шу нуқсонларни корхона раҳбарлари ва меҳнат жамоалари биргаликда ҳал қилишлари лозим.

Муҳокамада Г. Зиёев, В. Тагаев, Р. Турғунов, Ю. Мирсоатов, А. Абдухамидов, Б. Рустамовлар сўзга чиқиди. Хайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари Л. А. Ахметов қатнашди ва нутқ сузлади.

Йиғилишда қурилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

А. КУДИНОВ

Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи давомида делегация таркибига Россия Федерацияси алоқа ва ахборотлаштириш давлат қўмитаси раиси А. Е. Крупнов ҳам бор эди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг амалий учрашувларида бошқа ҳужжатлар қатори алоқа соҳаси буйича ҳукуматлараро шартнома ҳам имзоланди.

### АГЕНТЛИКДА УЧРАШУВ

Россия алоқа маъмурияти раҳбари Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида бўлди. Агентлик раҳбарияти ва алоқа корхоналари, хиссадорлик жамиятлари раҳбарлари билан бўлган учрашувда А. Ҳ. Жўрабоев ҳамда А. Е. Крупнов ўз мамлакатларида алоқа соҳасини ривожлантириш, узаро амалий ҳамкорлик режалари тўғрисида гапиришди. Учрашувда Россия ва Ўзбекистоннинг узаро самарали ҳамкорлик қилиш учун қўлай имкониятлари борлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев ҳамда Россия Федерацияси алоқа ва ахборотлаштириш давлат қўмитаси раиси А. Е. Крупнов республикамиз алоқа корхоналари вакилларининг савол-жавоб беришди.

К. АЛИЕВ

## ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ — ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ

«Сирдарё Телеком» хиссадорлик жамиятида «Намунали оила» кўрик-танлови ўтказилди. Ушбу кўрикда ўттиз йил ва ундан ортиқ тиңчахил турмуш қурган, тўрт ва ундан зиёд фарзандларни тарбиялаб, вояга етказган обрў-эътиборли оилалар қатнашди.



Кўрик шартлари қандай бажарилганини «Сирдарё Телеком» хиссадорлик жамияти Бош директори С. Умаров (раис), Э. Турдубоев, Т. Дадабоев, Ф. Худойбердиева, В. С. Канлардан иборат хайъат аъзолари баҳолаб борди. Танловнинг «Билимдон оила», «Оилада муаммо» шартлари буйича саволларига қатнашчиларнинг берган жавоблари уларнинг кўрикка пухта тайёрланганликларини кўрсатди. Шунингдек, иштирокчиларнинг ўз аждоди шажарасини яхши билиши, уйда тайёрлаб келган мазали пишиқлари, ўз қўллари билан тиккан кийим-кечаклари кўпчилиكنинг таҳсинига сазовор бўлди.

Қизиқarli ўтган кўрик-танловда «Сирдарё Телеком» хиссадорлик жамиятининг етакчи муҳандиси Умар Ражабалиев энг юқори балл тўплаб, танлов голиби деб топилди ва кейинги босқичларга йўлланма олди. Хиссадорлик жамиятининг Сирдарё туман бўлими муҳандиси Раҳмонкул Норбеков иккинчи, Ховос туман бўлими электромантўри Мирзокул Каримов учинчи ўринни эгаллади. Фолибларнинг ҳар бирига ва оила аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

Абдуғофур ҲОТАМОВ, «ХАВАР»нинг жамоатчи мухбири, Сирдарё вилояти Суратда: Кўрик-танлов голиби У. РАЖАБАЛИЕВлар оиласи.

Р. ЖАПАРОВ олган сурат

## ОЛАМДА НИМА ГАП? — Янгиликлар — Воқеалар — Хабарлар

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг тақдирига биноан 1998 йилнинг 11-12 октябрида Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельцин давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 октябрь куни Россия Федерацияси Татаристон Республикаси Президенти Минтемир Шаймиев билан учрашди.
- Ўзбекистон Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуи мажлиси бўлди. Унда мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар боришининг 1998 йил тўққиз ойлик якунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Оила йили дастурининг ижтимоий соҳа буйича бажарилиши масалалари муҳокама этилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Рустам Солиқовни Азимов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги этиб тайинланди.
- Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабар қилишича, шу йил 17 октябрь куни мамлакатда Қирғизистон Республикаси Конституциясига узгартиришлар киритиш буйича референдум бўлиб ўтади.
- Тожикистондаги ноқонуний қуролли гуруҳларга қарши ҳукумат ва Бирлашган тожик муҳолифати биргаликда курашадиган бўлди.
- Грузия мулофаз вазири Давид Тевзадзенинг Туркияга уч кунлик расмий ташрифи бошланди.
- Озарбайжонда президентлик сайловлари ўтказилди. Кўпчилик овоз билан Хайдар Алиев Президент этиб сайланди.
- Туркменистон ҳукумати Франция ва Буюк Британия инвесторлари билан туркман нефтини жаҳон бозорига сотиш тўғрисидаги шартномани имzolлади.
- Туркия жумҳуриятининг 75 йиллиги муносабати билан Анқарада Биринчи халқаро маданият ва санъат фестивали очилди. Ушбу аниқманда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган давлат «Ялла» ансамбли ҳам иштирок этмоқда.

### ОБУНА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТАДИ

«Сурхондарё почтаси» хиссадорлик жамиятида обуна маъсумини яхши ўтказиш мақсадида ишчи штаби ташкил этилди. Уни вилоят ҳокимининг уринбосари М. Абдуллаев бошқармоқда. Обунани ушшоқлик билан ташкил этиш ниятида вилоятнинг Термиз, Шеробод, Денов туманларида кенгаш ўтказилди. Унда туман ҳокими уринбосарлари, молия, банк, солиқ, почта корхоналари раҳбарлари ва туман газета муҳаррирлари иштирок этишди. «Сурхондарё почтаси» хиссадорлик жамияти директори М. С. Мухаммадиев маъруза қилди. Таъдбирда вилоят, туман газета муҳаррирлари ҳам сўзга чиқиб, обунани муваффақиятли ўтказиш борасида ўз таклифларини билдиришди.

Эргаш ЮСУПОВ, «Сурхондарё почтаси» хиссадорлик жамияти назорат бўлими раҳбари

• Обуна-99

## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз муштарийлар!

«ХАВАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ

(Каталог нархи)

Якка тартибдаги обуначилар учун: 6 ойга 330 сўм, 1 йилга 660 сўм. НАШР КўРСАТКИЧИ: 227. Ташкилот ва корхоналар учун: 6 ойга 498 сўм, 1 йилга 996 сўм. НАШР КўРСАТКИЧИ: 228.

Кейинги йилларда почта хизматидан фойдаланувчилар сонининг кескин камайиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Почта алоқаси ходимлари олдида турган вазифа — аҳолини почта хизматидан фойдаланишга жалб этиш, доимий мижозлар сафини кенгайтириш. Бу ҳозирги шариоатда анча қийин вазифа. Бухоро вилояти почта хизматида бунга қандай эришилмоқда? Хусусий почта хизмати борасидаги тажриба қандай кечмоқда? «Бухоро почтаси» АЖ Когон почта филиали вилоятнинг 12 филиали орасида муҳим максадага эга. Филиал 18 минг нафақачига нафақа пулини тарқатади. Бундан ташқари Когон филиали зиммасига жўнатмалар алмашуви вазифаси ҳам юклатилган. Бухоро шаҳрида авиажўнатмалар алмашилса, Когон шаҳрида темир йўл орқали юборил-

## ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

ган жўнатмалар алмашилади. Бу ўта масъулиятли вазифа. Республикада ўтказилаётган янги почта хизмати тажриба сифатида Когон филиалининг баъзи алоқа бўлимларида синалмоқда. Шулардан бири 2-алоқа бўлимидир. Бўлимдан Россияга шошилинчма юборётган Лола Усанова бу бўлим хизматидан ҳар доим ҳам фойдаланмаслигини, газета ва журналларни сотиб олишни маъқул кўришини айтиди. Мижоз Александр Стрюк онасининг нафақа пулини олиш учун бўлимга келган экан. Бўлимдаги алоқа хизмати уни қаноатлантиришини билдирди. Суҳбатдошлардан ҳар иккиси ҳам ўтказилаётган тажрибадан бе-

хабар экан. Бўлим бошлиғи Майрам Шарипова 14 йилдан бери почта соҳасида ишлаб келади. Бу ерда хатхилд ва бошқа почта хизматлари билан боғлиқ ашёлар намунаси кўйилмаган. Ҳатто мижозлар учун оддий ёзув столи ва стулларнинг йўқлиги ажабланирди. Ўтказилаётган тажриба тўғрисида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ. Бўлим бошлиғидан сўралганда: «Замон кўрсатади, олдин бўлсин, кейин кўрармиз» деди. Бошқа почта ходимлари ҳам бу ҳақда аниқ фикр ва таклифлар йўқ. Тажрибадан мақсад бозор иқтисодиёти шариоатида аҳолига хат-хабарлар, юбортма, почта жўнатмалари, пенсия ва нафақа тўловлари-

ни ўз вақтида етказиб беришга эришишдир. Шариоат ҳамма соҳада булгани каби почта соҳаси ходимларини ҳам ишбилармонликка, тadbиркорликка чорлайди. Тажрибанинг моҳиятида хусусий почта алоқаси хизматини ташкил қилиш гоёси ҳам бор. Бунда бўлимлар юридик шахс мақомига, жисмоний шахс патентга эга бўлиб хизмат кўрсатиши ва бунинг натижасида даромад олишни асосий мақсад қилиб қўйиши керак. Фуқаролар билан хизмат кўрсатиш буйича шартнома туртузилади ва курсатилган хизматлар учун ҳақ олинади. Бу даромаднинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун мижозларга аъло даражада

хизмат кўрсатилиши ва зарур шарт-шариоит вужудга келтирилиши керак. Янги хизмат турларини уйлаб топиш, қабул қилинган хизмат тўловларининг ўз вақтида, тўла етиб боришига эришиш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида» тайёрланаётган янги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларда хусусий почта хизматининг ҳуқуқий мақоми ўз аксини топиши керак.

«Қаловини топса қор ёнади» деган нақл бор. Почта хизматидаги тadbиркорлик бозор иқтисодиёти талабларидан бидирди. Ўтказилаётган тажрибаларнинг ҳуқуқий жиҳати, моҳияти ва афзалликлари тўғрисида мутахассислар, почта алоқаси ходимлари ва аҳоли ўртасида тарғибот, тушунтириш ишларини кенгайтириш мақсада мувофиқдир.

Маҳаммадали ТУРҲУНОВ

## ОИЛА — ДАВЛАТ БОЙЛИГИДИР

Бахтли оила — давлат бойлиғидир. Республикаимизнинг гуллаб яшнаши кўп жиҳатдан ана шу бахтли оилаларнинг кўпайишига боғлиқ.

Бу йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ва оилаларга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор, ғамхўрликлар кўрсатилаётганлиги бежиз эмас.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги акциядорлик жамияти Марказий филиалида «Намунали оила» куриқ-танлов бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси Т. Назаржонов ҳамда «Тошкент

шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти бош директори С. Аъзамовлар қатнашди. Мазкур корхонада кўп йиллар ишлаган Тоҳир Шариповнинг оиласи куриқ-танлов голиби бўлди. Тоҳир аканинг икки ўғли оталари йулидан бориб алоқа тизимида меҳнат қилмоқдалар.

Алоқа корхоналарида узок йиллар меҳнат қилган Маъруф Аҳмедов, Нигмат Носиров, Умар Зуфаров, Тўрабой Юнусовларнинг оилалари ҳам намунали оила деб топилди. Уларнинг барчасига қимматбахш совғалар ва гуллар тақдим этилди.

Баҳодир МИРЗААХМЕДОВ,  
жамоатчи мухбиримиз

## ҲИММАТ

Пахта йигим-терими мавсуми бошлангандан буён Каттақўрғон почта боғламаси ходимлари дала меҳнаткашлари билан ҳамкору-ҳамнафас. Алоқачилардан 45 киши алоҳида ажратилган автоуловда қатнаб пахта тараётган бўлса, 25 киши учун жамоа ҳужалиги томонидан кулай, шинам ётоқхона ажратилган.

— Ҳашарчиларни корхонамиз ҳисобидан икки маҳал иссиқ овқат билан таъминляпмиз, — дейди шаҳар почта алоқаси боғламаси бошлиғи, меҳнат фахрийси Раъно Жалилова. — Уларга

маданий-маиший, тиббий хизмат кўрсатиш доимий назоратимизда. Шу боис алоқачилар баракали меҳнат қилишяпти.

Боғламанинг турли шохбчаларида хизмат қилаётган алоқачилардан Раҳматилла Ортиқов; Мария Султонова, Саодат Абдуллаева, Олимжон Рузиев, Гулчехра Бакаевалар кунига 60-70 килограммдан пахта теришмоқда. Алоқачи ҳашарчиларнинг ҳозиргача уйган хирмонлари ўн тоннадан ошди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ,  
Самарқанд вилояти

• 1998 йил — Оила йили

## ОРЗУЛАРИ БОШЛАДИ ЙЎЛГА

лик касбда ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб келаётган. Унинг касби бир қарашда оддийга ўхшасада, узига яраша қийинчиликлари бор. Турли кишилар билан мулоқотда бўлиш, уларнинг саволларига жавоб бериш, сифатли алоқа хизмати кўрсатиш осон эмас, албатта.

Мана 30 йилдирки Тўхтаҳон телефончилик касбини эъзозлаб келаётган. Шу йиллар мобайнида у 3-даражада Учи туманининг 60 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фахрий эрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тўхтаҳондан нима учун телефончилик касбини танлаганини сўраганимизда шундай жавоб берди:

— Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ алоқачи бўлишга ҳавасим бор эди. Йиллар ўтиши билан бу

касбга ихлосим ортиб борди. Мактабни тугатгач туман алоқа бўлимига ишга бордим. Тўғриси айти-

шим керак — касб танлашда адашган эканман. Оз бўлсада халқимизга нафим тегаётганидан фахрланаман.

Тўхтаҳон дастлаб иш бошлаган кезлари қийналди, гоҳ мижозлардан танбех ҳам эшитди. Айниқса рус тилида гаплашиш унинг учун бирмунча қийинчилик туғдирди. Шундай пайтларда унга Зинаида Нуралиева, Екатерина Каримова, Холида Темирғозиева сингари ўз касбининг усталари ёрдам қилини қўздилар. Телефончилик касбининг сирларини кунт билан ўргатдилар.

Бугунги кунда Тўхтаҳон Умрзоқова илгор телефончигина эмас, балки ёшларнинг меҳрибон устози ҳамдир. Шогирдларидан Мавлуда Нурматова, Роҳила Набиева, Зубайра Фозилова, Турсуной Шамсиддинова, Соҳида Болтабоева, Санталат Холхўжае-

интерактив хизматлар кўрсатиш Исроил бозорига йўл очади. Бунинг учун эса ҳамма шарт-шариоитлар яратилган.

рактив телевидение учун пойдевор яратилган. Аррад ёки Кармиелда яшовчилар ўзларига керакли булган товар-

валар мураббийларидан уртак олиб мижозлар ҳурматида сазовор бўлмоқдалар. Уз касбининг устаси Тўхтаҳон опа меҳрибон она, муҳир тарбиячи ҳамдир. Турмуш уртоғи Аҳмаджон ака билан 5 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди, 6 набиранинг бувиси бўлди.

Оила йили Тўхтаҳон Умрзоқовага бахт, қувонч келтирди. Ўзбекистон Республикасининг 7 йиллиги муносабати билан унга Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг «Моҳир алоқачи» фахрий унвони берилди.

М. ҚОДИРОВ,  
Наманган вилояти

## ИНТЕРАКТИВ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ИСРОИЛДА

Исроилдаги қатор фирмалар ночор оилаларни компьютерлар билан таъминлаш ташаббуси билан чиқдилар. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши Исроилни уй компьютерларидан фойдаланиш соҳасида янада олдинга силжитади.

Исроилнинг унчалик катта булмаган ҳудуди юқори риловланган телефон алоқаси тизимига ўтишни энгиллаштиради. Бир қанча ҳудудларда бугунги кунга келиб инте-

ларни уйга буюртма бериши, шунингдек, муниципал саволлар буйича исталган ахборотларни олиши мумкин. Петах-Тиквада Исроилнинг уч фирмаси — «Безак», «Тадиран» ва «Эльбит» — янги тизимни синовдан ўтказишмоқда. 500 оила уларга ўқув дастурлари, компьютер уйинлари ва ҳордик чиқариш дастурларини етказиб беришчи, шунингдек, турли хилдаги махсуслотларга буюртмалар

олувчи марказий электрон «резервуар»га уланган, бунинг учун оддий модем, уй компьютерлари ва телевизор бўлиши керак, холос.

Исроилда телефон китобининг урнини босадиган уй компьютерига уланадиган қўшимча мослама синовдан ўтказилди. Исроил бундай синовни ўтказган Франциядан кейинги иккинчи давлат бўлди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси агентлик бўлими бошлиғи Р. А. Асқаровга воқифа мухтарамаси  
Гуламошша САЙДОВАНИНГ  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Қашқаларё телеком» ширкати корхонасининг Чироқчи тумани филиали жамоаси шаҳар телефон тармоғи бўлими техникни Холбиби СУЛТОНОВАНИ тугилган кунини билан табриклайди. Унга узок умр, соғлиқ-саломатлик тилайди.

Исроил энг компьютерлашган давлатлардан бири ҳисобланади. Уйлардаги компьютерлар сони буйича эса дунёда биринчи уринини эгаллайди. Мактабгача ёшдаги болалари булган ҳар ўн исроиллик оиладан еттитасида компьютерлар бор.

Бунинг асосида яҳудийларнинг болалар таълимига маблагни аямаслиги ётади. Балки гап ғарбий йўналишни танлаган ёш давлатнинг юқори «технологик фикрлашда»дир. Шунинг учун ҳам компьютерлар ва телевидение орқали

Кучадан утиб бораётсам, бекатда учта йигитча муш-лашишяпти. Бирга иккими, иккига бирми, тушуниб бўлмайди. Жанг авжиди. Хали униси «Ий-я-я!» деб сакра-са, хали буниси «Ху-ув!» де-ганча қўлларини силкиб, ос-монга сапчибди. Атроф ту-ла одам. Лекин ҳеч ким миқ этмайди. Каттаю-кичик бу ҳодисани лоқайдлик билан томоша қилиб турганни куриб, чидаёлмадим. Еши каттароқ кишига яқинлаш-дим.

— Ажратиб қўйсакми-кан-а, амаки, нима дейсиз?  
— Бе, қўйсангч, жиян! — деди амаки гўл силкиб. — Ундан кура, мазз қилиб кур-майсанми? Текин томоша, нақ видеонинг ўзи-ку!...  
— Ҳафсалам пир бўлиб, на-роққа утдим. Муш-ла-шиш эса қизигандан-қизиб борарди. Чекарқоқда сига-рет чекиб турган узимга ўх-шаган зибелинамо йигитча яқинлашдим.

— Ж-жа... чатоқ буляпти-ку-а, биродор? Юринг, аж-ратиб қўямиз!  
Зибелинамо йигитча ку-зоинаги тепасидан менга хумйраб қаради.

— Мен бунақа ишларга аралашмайман, дустим! Қо-лаверса, йигитлар «кара-тэ», «кун-фу» усулларини оммавий намойиш қи-лишяпти. Халал беришни-нг нима кераги бор?

Тарвузим қултигимдан тушиб, яна муш-лашаётган йигитчаларга қарадим. Бир-рининг бурни қонаган, ик-кинчисининг кузи кукарган, учинчиси оксоқланганча уларнинг атрофида гир айлино юрибди...

— Шу пайт йулакдан утиб-лаётган меласига кузим тушиб қолди. Югуриб олди-

га бордим.  
— Ана у туполонни кўрап-сизми?  
— Нима қипти? — деди ме-леса.

— Муш-лашишяпти ахир! — дедим бугилиб. — Бир-бирларини бир нима қилиб қуйишлари мумкин!

— Биринчидан, ҳеч нима бўлмайди, — деди мелеса ил-жайиб, — иккинчидан, бу ер-менга қарашли эмас. Мен ку-чанинг нариги томонидаги жамоат тартибига жавоб бе-дим.

## ТЕКИН ТОМОША (Ҳангома)

раман. Учунчидан, маст-ала-стларнинг уртасига сизни ҳам тушмаслигингизни маслаҳат бераман!...

Бушашиб яна бекатга қайт-дим. Қарасам, уришаётган йигитларнинг биттаси ариқ ичида қўзилиб ётибди. Қол-ган иккитаси гойиб бўлибди. Ҳангоматалаб одамлар ҳам сийраклашибди... Нима қили-шимни билмай тургандим, ку-чадан утиб бораётган «Тез ёрдам» машинаси кўринди. Хой-ҳойлаб тухтатдим.

— Анави ерда муш-лашиш бўлди. Биттаси яраланиб ариқда ётибди...

— Кечирасиз, — деди дух-тур жувон «иложимиз йук» де-гандек қўлларини ёзиб, — биз тугруқхонага шошиляп-миз. Машинада кузи ёрий-ёрий деб ётган аёл бор. Маст-аластлар, безорилар учун

хушёрхона машинасини ча-қиринингизни маслаҳат берамиз!...

«Маслаҳатингни пиши-риб е!» деб, бекатга қайтаётгандим, кимнингдир чақиргани эшитилди. Қара-сам, бояги ариқда ётган йигитча.

— Вей, братан!... Вей! — деди у қўлини чўзиб. — Ж-жа... қизик экансизку-а?!... Нима қиласиз, уша-ларга ялиниб? Ундан кура... қўлимдан тортворинг, ур-нимдан турволай!...

Йигитчани тургазиб, эг-ни-бошини қоқиб қўйдим. У мени кучоқлаб ўлди. Димо-гимга гуп этиб винонинг ку-ланса ҳиди урилди. Кунг-лим беҳузур бўлиб кетди.

— Вей, братан, лекигин... сиз ҳаққоний инсон экан-сиз! — деди йигитча тир-жайиб. — Ҳа, ин-сон!... Ке-линг, шунинг учун бешта-бешта оламиз! Юринг! Ана-ви ерда зўр қаҳвахона бор...

— Йук, йук, раҳмат, ука. Мени қўяқолинг! — ялиндим мен уни қўлидан чиқишга уриниб.

— Юринг энди, юрсан-гиз-чи!... Ув! Мен-чи, гапим-ни қайтарганларни ёқтир-майман. Ҳа!... Сиз менга ёқиб қолдингиз... Шунинг учун...

Йигитча шундай дедию, яна буйинига осилиб олди. Унинг залворидан оёқларим қийшайиб, гандирақлаб кетдим ва икковимиз ариқ-қа ағдарилди. Усти-бошим балчиққа беланди. Аранг ариқдан эмақлаб чиқиб ке-лаётиб, атрофимга қара-дим.

Бекат яна ҳангоматалаб томошабинларга тула эди...  
**Эркин УСМОНОВ**

• Мерос

САЪДИЙ

# ДУЛИСТОН

Бир одам кураш санъа-тида зўр маҳорат қозонди, у уч юз олтмиш хийлани бил-лар ва ҳар куни бир хийла-ни ишлатиб, курашар эди. Шогирдларидан бирига майл кўрсатгани сабабли унга уч юз эллик тўққиз хийлани ўргатди. Аммо бир хийлани ўргатишни ҳар тур-ли баҳоналар билан пайсал-га солиб юрди.

Хулосаи калом, шогирд қудрат ва санъатда камолот-га эришди, у билан бел олишишга ҳеч кимсада қуд-рат ва журъат йук эди. Иш шу даражага бориб етди-ки, бир куни у подшоҳ хузу-рида деди: «Устозимнинг фақат биргина афзаллиги борки, у ҳам бўлса, унинг ёши улуглиги ва менга тар-бия берганлигидир. Йўқса, кучда ҳам, маҳоратда ҳам мен ундан қолишмайман!»

Бу сўз подшоҳга ёқмади. Устоз шогирдининг кураш тушмоқларини буюрди. Кат-та майдонни ҳозирладилар. Подшоҳ бошлик арқони дав-лат, аёни мамлакат ҳамда ўша юртнинг барча паҳла-вонлари ҳозир бўлдилар. Шогирд бамисоли маст филдек жўшиб майдонга кирди, гўё қаршида те-мир тоғ бўлса, уни емириб ташлагудек эди. Устоз шогирди кучда ортиқ эканини англади. У пинҳон тўтиб юр-ган мазкур нодир хийласи-

ни ишга солиб курашмоққа бошлади. Шогирд устозини-нг ҳамласини дафъ этиш-дан ожиз келди. Устоз ҳа-рифини икки қўли билан боши узра кўтариб, ерга ур-ди. Халойиқнинг хой-хув са-долари кўкка ўрлади.

Подшоҳ устозга сарпо бермоқни буюрди, шогирд-ни эса, таъна-маломатлар қилиб, деди: «Уз устозинг бевафалик қилиб, уни мағлуб этаман, деб мактан-динг, лекин айтган сўзинг-нинг урдасидан чиқа олма-динг!» Шогирд деди: «Эй подшоҳи олам, устозим куч билан мендан устун келга-ни йук, балки кўп вақтдан бери менга ўргатмай, яши-риб юрган биз хийласи ту-файли мени мағлуб эта ол-ди».

Устоз деди: «Мазкур хийлани ана шундай бир кун учун сақлаб қўйиб эдим, чунки уламолар: «Дўстга, бир куни агар у душманчи-лик қилса, узингни мағлуб эта олажақ куч бермағил», деганлар. Шогирдидан жа-фо кўрган устоз нима дега-нини эшитмаганмисан?»

**Ёки вафо ўзи йўқдир оламда,  
Ё киши қўлламас уни,  
Бу зани.**  
**Ўзимдан ўқ отиш урганган киши  
Букун кўрагимни қилмоқчи нишон».**

Қаҳвани энг кўп ичади-ган халқ финлар ҳисобла-нади. Уларда йилига киши бошига 15 кило қаҳва тўғ-ри келаркан.

Хитойда инсон саломат-лиги учун гоят фойдали ичимлик сифатида чумоли шарбати истеъмол қили-

## БУ- ҚИЗИҚ

нади. Чумоли шарбати калорияси жиҳатидан сигир гўшtidан тўрт баравар ор-тиклиги аниқланган.

Швейцарияликлар гоят тансиқ ва қимматбаҳо таом ҳисобланган қора икрани ҳам энг кўп истеъмол қи-лишаркан. Мамлакатга йи-лига 20 тоннадан зиёд қо-ра икра келтирилиши бу-ни исботлайди.

Фарбий Европада анти-қа тадқиқот ўтказилди. Маълум бўлишича, европа-лик ҳар бир киши умри-нинг ўртача 15 йили овқат-ланишга кетаркан. Бунда жами 40 тоннадан зиёдроқ ҳар турли озиқ-овқатлар паққос туширилади.

Денгиз бўйида яшаган-лари сабаб бўлса керак, португаллар балиқ гўшти-дан мазалироқ овқат йук, деб ҳисоблашади. Улар-нинг йилига киши бошига ўртача 43 кило балиқ гўш-ти ейишлари ҳам шундан.

### Хусайн КОШИФИЙ

## ҲИКМАТ

Яхши хулқ-одоб белгилари ўн хил бўлади. Бирин-чиси, хайрли ишларда одамлар билан зиддиятга бормаслик. Иккинчиси, ҳис-туйғу ва эҳтиросларга берилмаслик. Учунчиси, ўзгаларнинг камчилигини қидирмаслик. Тўртинчиси, бировларнинг бахтсизли-гига ҳамдард бўлиб, уни тўғри тушуниш. Бешинчи-си, агар айбдор ўз айбига иқро бўлса, уни авф этиш. Олтинчиси, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш. Ет-тинчиси, кишилар тўғрисида гамхўрлик қилиш. Сак-кизинчиси, ўз нуқсонларини кўра билиш. Тўққизин-чиси, одобли бўлиш. Ўнинчиси, хушмуомалалик.

## МАШХУР КИШИЛАР ҲАЁТИДА

Мехмонхонадан чиқаркан, Чарли Чаплин ресторан ога-си чунтагига чойпули деб 20 франк солиб қўйди.

Эшик ога ҳафа бўлиб, ар-тиста деди:

— Утган сафар менга 40 франк бериб, соғлим учун ичсангиз деган эдингиз...

— Бугун мен ўзимни анча яхши ҳис этяпман, — деб жа-воб берди артист.

Маълумки, Бернард Шоу ўз пайтида Нобел мукофоти олишни рад этган эди. Нима учун бу қарорга келганини су-рашганда Шоу шундай деган:

— Нима десам экан? Бу нарса сувга чуқайтган одам-га у бечора қирғоққа етиб келган пайтда ёрдам учун ташланган қутқарув мослама-си кабидир. \*\*\*

Париж дорилфунунда му-ҳандислик санъати буйича маъруза борарди. Булажақ улуг адиб Виктор Гюго унда талаба эди. Дарс утаётган профессор қайсидир йили барокко услуби тугагани ва мумтозлик даври бошланга-ни ҳақида гапирганда ёш Гю-го қўл кўтариб, лутфан сура-ди:



— Кечирасиз, профессор, маси фош бўлди, дарҳол қо-сиз аниқроқ айтолмайсизми, бу айнан қайси соатда содир бўлган? \*\*\*

Конан Дойл ўзининг ўн на-фар яқин танишларига «Ҳам-маси фош бўлди, дарҳол қо-сиз аниқроқ айтолмайсизми, бу айнан қайси соатда содир бўлган?»

Уларнинг барчаси бир ке-ча-кундуз мобайнида мамла-катни тарк этишади.

<p><b>МУАССИС:</b> Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги</p> <p><b>Бош муҳаррир:</b> Шодмон ОТАБЕК</p>	<p><b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Абдувоҳид ЖУРАБОВ Шўҳрат ЖАББОР Анатолий КУДИНОВ Иzzат АХМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб) Мирноғлат МИРЗО Рустам ҚОСИМОВ Қуролбой ТўЛЕБОВ Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ</p>
<p><b>ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:</b> Бўриной АХМЕДОВ Саидмахмуд АКБАРОВ Шоҳрух АКБАРОВ Мехмонкул ИСЛОМУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД</p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. <b>ТЕЛЕФОНИМИЗ:</b> 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. Факс: 136-36-42. <b>ИНДЕКС:</b> 64600 <b>ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ</b></p> <p>Мухарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатта олиш №00011. Буюртма № Г-0440. 8245 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.</p>

**ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.**  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Боснишга топширилди — 19.00  
Боснишга топширилди — 21.00

123456



ДУШАНБА 19

ЎзТВ-1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ ТЕЛЕТОМОШАВИЛЛАР ДИККАТИГА
Профшкола мусобаботи билан...

ЎзТВ-2

18.00 Кўрсатувлар даври. 18.05 'Янги авлод' студияси...

ЎзТВ-3

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

ЎзТВ-4

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

10.35 'Санат олами'. 10.55 'Дийр' Тележурнал. 11.35 'Болаларга'...

18.10 'Эски уй соҳиблари'. Мультфильм. 18.20 Болалар учун...

18.00 Кўрсатувлар даври. 18.05 'Янги авлод' студияси...

18.00 Кўрсатувлар даври. 18.05 'Янги авлод' студияси...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

20.00 Спорт-лотто. 20.10 'Лазаат'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

22.35 Оханглар ва эълонлар. 22.45 Видево - 'О'...

16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мультиёшар'...

23.00 'Муҳаббат тарихи'. Теле-сериял...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 'Ассалом, Ўзбекистон!'...

8.30 Республика газеталарининг шарҳи. 8.45 'Музыка бустони'...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 'Ассалом, Ўзбекистон!'...

8.30 Республика газеталарининг шарҳи. 8.45 'Музыка бустони'...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

ЯКШАНБА 25

ЎзТВ-1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 'Ассалом, Ўзбекистон!'...

8.30 'Камалак'. Болалар учун кинодастур...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Даракчи'...

18.00 Кўрсатувлар даври. 18.05 'Янги авлод' студияси...

18.45 Суур. Мусикий дастур. 19.00 'Ахл ёшадаси'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

17.55 Кўрсатувлар даври. 18.00 'Даракчи'...

СЕШАНБА 20

ЎзТВ-1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 'Ассалом, Ўзбекистон!'...

ЧОРШАНБА 21

ЎзТВ-1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 'Ассалом, Ўзбекистон!'...

ПАЙШАНБА 22

ЎзТВ-1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 'Ассалом, Ўзбекистон!'...

ЖУМА 23

ЎзТВ-1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 'Ассалом, Ўзбекистон!'...

ШАНБА 24

ЎзТВ-1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 'Ассалом, Ўзбекистон!'...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

ЎзТВ-1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 'Ассалом, Ўзбекистон!'...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

ЎзТВ-1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 'Ассалом, Ўзбекистон!'...